

# YOSHLAR OVOZI

## МЕРОСИМИЗ - ТАЯНЧИМИЗ

Заминимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар илму фан равнақи йўлидаги ўз бурчи, гуманизм ва маърифат гояларига ҳамisha содиқ қолиб, ҳақиқий маънавий жасорат намунасини кўрсатган, бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган бой илмий мерос яратган. Бу бебаҳо бойлик фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, янги авлодлар учун донишмандлик ҳамда билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мурраккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик гоялар, миллий гурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди. Зеро, ўз тарихий маданиятига чуқур ҳурмат билан ёндашиш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга таяниш, миллий меросни асраб-авайлаш ва

бойитиш, шу асосда ёш авлодни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳар қандай жамият тараққиётида ҳал қилувчи роль уйнайди. Шу боис улуғ аждодларимиз ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, улар қолдирган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш борасидаги ишлар бугун юртимизда умуммиллий кўриниш касб этган.

Юртимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси марказининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта. Бунда аввало Ўзбекистон заминининг буюк илмий-маданият, маърифий меросини ўрганиш, уни келажак авлодлар учун сақлаш билан бир қаторда, муқаддас ислом динимизни моҳиятан тинчлик, инсонпарварлик ва яратувчилик эътиқоди эканини тарғиб қилиш, ёшларимизни бой ўтмишимизга ҳурмат ва гурур руҳида тарбиялаш масаласи устуворлик касб этади.

(Давоми 2-саҳифада)

## MEDIATUR

### НОРИНГА ЙЎЛ



Норинни ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш буйича намунали туманга айлантириш борасида қилинган ишлар билан кенг жамоатчилигини таништириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёшлар медиа маркази журналистлар учун медиатур ташкил этди. Унда йигирмага яқин оммавий ахборот воситаси ходимлари иштирок этмоқда.

Кеча иштирокчилар Наманган вилояти телерадиокмпанияси ҳамда вилоят Ёшлар маркази фаолияти билан танишди. Дастлабки манзилда журналистлар

студияларни кўздан кечириб, базис кўрсатувларнинг тайёралини жараёнига гувоҳ бўлди. Таъкидлаш керак, вилоят телевидениеси медиамаҳсулотларини нафақат водий буйлаб, балки қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод ҳамда Тожикистоннинг Хўжанд вилоятлари ҳам эфирга узатмоқда.

Ёшлар марказига таширф журналистларни гоятда тўлқинлантирди. Айни вақтда бу ерда инглиз тили, рус тили, тиквчилик, рақс, миллий мусиқа ва хатто, заргарлик тугараги фаолият юритмоқда. Энг эътиборлиси яқинда марказда

Иттифоқ фаоллари ташаббуси билан кечаю кундуз ишлайдиган кутубхона ташкил этилди. Бунининг маънода феноменал ҳодиса дейиш мумкин. Кутубхона фонди тўлиқ ўқувчи-ёшлар томонидан шакллантирилган. Бунининг қарангки, атиги бир ой ичида китоблар сонининг 600 га етди ва бу салмоқ ўсишда давом этмоқда.

Эксперсиядан кейин медиатур иштирокчилари журналистикага қизиқувчи йигит-қизлар билан учрашди. Мулоқот чоғида ёш қаламкашларга зарур тавсиялар берилди. Саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Кун охирида журналистлар Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуасига келди. Исҳоқхон Ибрат музейидаги экспонатлар: маърифатпарвар аждодимиз ҳаёти, ижоди ҳамда ибратли ташаббуслари ҳақида гувоҳлик берувчи тарихий ашё ва ҳужжатлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Талаб шундайки, ҳар бир ўқувчи учирма бўлганга қадар етти-та тилни мукамал ўрганиши шарт. Яна бир эътиборли жиҳат: мажмуада мактабгача таълим муассасаси ҳам ташкил этилган. Наманган вилоятига медиатур давом этмоқда.

Роҳатой ҚОДИРОВА

## ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА



Ёшлар иттифоқи Оққўрғон туманидаги "Pokiza M" фермер хўжалигига замонавий музлатгич-омборхона қуриш учун 100 миллион сўмлик кредит олишда амалий кўмак берди.

## MUNOSABAT

### ШАХСИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ БОЛАГА ТУГИЛГАНДАЁҚ БЕРИЛАДИ

"Yoshlar ovozi" gazetasi-ninng 2018 йил 3 май кунини чоп этилган 52-сонида тўрт нафар фарзандига ўз вақтида туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олмаган оилага Ёшлар иттифоқи амалий ёрдам кўрсатгани ҳақида мақолани ўқиган эдим. Бу мақолага кимдир оддий хабар сифатида қараши мумкин. Аммо ёритилган муаммо ва унинг ечими таҳлил қилинса, айримларнинг фарзанд келажакда муҳим аҳамиятга эга ҳужжатга бефарқлигини кўрасиз. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг йўқлиги ҳозирги замонада инсон тақдирини бутунлай ўзгартириб юборади. Ахир у ўз ҳуқуқларидан



маҳрум бўлди. Ўрни келганда кимлигини исботлай олмайди. Афсуски, орамизда мана шундай лоқайдлик кайфиятида яшаётган юртошларимиз ҳам бор.

Президентимиз жорий йилнинг 12 июнь кунини "Ҳуқуқролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини имзолади. Унга кўра эндиликда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар ташкил этилади. Ушбу комиссия "Биронта ҳам бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас" деган эзгу гоя асосида тўлиқ хатлов ўтказилади. Унинг доирасида туғилганлик ва ўлим ҳолатлари тўлиқ қайд этилади. Сўнг улар қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ижобий ҳал этилади. Бу эса, лоқайд кайфиятда яшаб, боласи тақдирига ҳам қизиқмаётган ота-оналар учун яна бир сабоқ бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

## YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

### МУНЧОҚТЕПА БАҒРИДАГИ СИРЛАР



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Ёшлар пресс-клубида Республика ёш олимлар кенгаши томонидан илмий-тадқиқот экспедицияси доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 9 - 16 июнь кунлари Ўзбекистон ёшлар итти-

фоқи муассислигидаги Республика ёш олимлар кенгашининг бир гуруҳ вакиллари Қашқадарё вилояти Чирочқи тумани Лангар қишлоғидаги Мунчоқтепа археологик ёдгорлигида илмий-тадқиқот экспедициясини ўтказиб қайтишди.

Илмий-тадқиқот экспедицияси археолог, геолог, эколог ва

манбашунослардан иборат 20 нафар ёш тадқиқотчини бирлаштириш ва улар томонидан қадимги даврга тегишли инсон манзилгоҳлари, ибодатхона қолдиқлари, сопол буюмлар, қабр тошлари, қоятош суратлари ўрганилди.

Бундан қўзланган асосий мақсад - ички туризмни ри-

вожлантириш, тарихий обидаларни ўрганиш, мавжудларини сақлаш ва юртимиз тарихига оид қадимий ашёлар намуналарини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишдан иборат.

Анжуманда ёш олимлар ушбу ашёлар қайси даврга тегишли эканлиги, ҳудуднинг табиати, экологияси тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотгани, бу ерда «Қизил китоб»га киритилган 4 хил турга мансуб ўсимликлар мавжуд эканлиги айтиб ўтилди.

Лангар ота археологик ёдгорлигининг табиати хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда "Экотуризм ва медтуризм"ни ривожлантириш, бундан ташқари, қаровсиз қолдирилган ҳудудларни "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш" бўйича давлат рўйхатига киритиш таклифи илмий-тадқиқот экспедициясининг тадқиқотчилари томонидан илгари сурилди.

Анжуман сўнгида тадқиқотчилар журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Нурилло НАСРИЕВ,  
ЎЗА мухбири

## BUGUNNING GARI

### ЭНДИ ИШГА КИРИШМАСАМ БЎЛМАС

Кеч тушди дегунча, маҳалла гузари гавжумлашди. Ишдан чарчаб қайтганлар новвойхона ёнидаги супада бир пиёла чой устида гурунглашиб, ҳордиқ чиқаради. Неча кундирки, Салим ака қорасини кўрсатмайди. Қўшниси Холидвой унинг йўлини пойлайди.

Мана, ниҳоят Салим ака ҳам гузарда пайдо бўлди. Холидвой яқин қариндошини кўриб қолгандай қувониб, унинг ёнига борди.

— Ҳой, қўшни, яхшимиз-сиз? Сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку.

— Биласиз, ўқув йили тугапти. Бугеи энди — сессия! Ишлар кўпайиб кетди. Талабалар ҳам тезроқ имтиҳон топширсаму қишлоғимга йўл олсам, деб шошиляпти. Ишонмайсиз, бир дақиқа тиним йўқ.

— Ҳа, майли-да, кўрмагурлар ҳам ота-энасини кўрмаганига олти ойча бўлган, соғинади-да. Мусофирчиликнинг кунини оғир, деб бекорга айтишмайди. Уларни қўяверинг, сизга бир маслаҳатли иш бор эди. Шу десангиз, бекорчилик жонга тегди. Дуруст иш топмай, қийналиб кетдим. Кун бўйи иш излаб, сарсон бўлман. Кошки, тузуқроғи учраса, ахир, уйда тўртта қорақўз қўлимга қараб туради. Уларни едириб-ичириш, кийинтиришнинг, ўзи бўладими-а? Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, муллажиринг деган билан чўнтак тўлиб қолмайди-да, ака.

Энди, кўпни кўрган ўқи-

мишли одамсиз. Нима қилсам экан, маслаҳат берсангиз ёки бирон жойда бизбоп иш бўлса, айтсангиз яхши бўларди.

— Ишни билмадим, аммо маслаҳат беришим мумкин. Анави кўчанинг бошида турадиган Отабекни биласизми? Томорқасига иссиқхона қурибди. Даромади бинойида, назаримда. Тунов кунини гаплашувдим, маҳсулотини экспорт қилмоқчиман, дейди.

— Гапингизда жон бор, аммо иссиқхонани тиклаш учун озмунча пул керакми? Кредит олай десам, кафолатига ҳеч вақом йўқ. Эсимда, Отабек машинасини гаровга қўйиб, кредит билан иш бошлагани.

(Давоми 2-саҳифада)

## TANLOV

### СУРХОННИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН МАКТАБИ



### ФАРЗАНДИНГИЗНИ ТИНГЛАЙСИЗМИ?



Термиз шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказида умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган "Йилнинг энг китобхон мактаби" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда 14 та мактаб жамоаси бешта шарт бўйича сновдан ўтди.

— Президентимиз ёшларни китобга қай-

тариш керак, дея бежиз таъкидламайди, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари Фирдавс Шарипов. — Чунки у инсон дунёқарашини бойитиб, маънавиятини юксалтиради. Шу боис кейинги йилларда ёш авлодда китобхонлик маданиятини шакллантириш, улар ўртасида мутолаа тарғиботи-

ни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бу йўлда турли кўрик-танлов ва беллашувлар ўтказиш самарали усуллардан саналиб, бунинг Республика миқёсида 250 мингдан ортиқ йигит-қизлар иштирок этган "Ёш китобхон" кўрик-танлови мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. "Йилнинг энг китобхон мактаби" беллашуви ҳам ана шу йўлдаги собит қадамлардан бири.

Қизгин музокараларга бой бўлган танловда Музработ туманидаги 8-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Ҳали ва фаол иштирокчилар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Наргиза  
РАҲМАТУЛЛАЕВА

MUNOSABAT

ЖАМОАТЧИЛИК  
НАЗОРАТИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Жаҳонгир ШИРИНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты

Сўнги йилларда юртимизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатish, унинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич ўтказилмоқда. Бойси, назорат бошқа бир орган эмас, айнан жамоатчилик томонидан амалга оширилганда яхши самара беради. Бош қомусимизда ҳам давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулиги бежиз белгилаб қўйилмаган.

2014 йилда жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом берилиши уларни ривожлантиришга оид қонунчилик тизимининг янада ривожланишига туртки бўлди. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ортиб бориши қонуларда тарқоқ ҳолда жойлашган жамоатчилик назорати қондаларини бирхиллаштириш, ягона ҳужжатга бирлаштириш эҳтиёжини келтириб чиқарди. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу эҳтиёжни қондириш билан бирга юқоридаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Қонунга мувофиқ, жамоатчилик

назоратини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари амалга оширади. Улар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилмаган битим, шартнома, лойиҳа ва дастурлар ижроси, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ишларини назорат қилиши имконига эга. Энди давлат, тармоқ ва минтақавий дастурларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрига ҳам алоҳида

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 32-модда)

этибор қаратилмоқда. Жамоатчилик назорати иштирокчилари маълум бир объект ёки масала юзасидан давлат органларига мурожаат ва сўровлар юбориши, очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиши, жамоатчилик муҳокамаси, эшитиши, мониторинги, экспертизасини ўтказиши мумкин.

Яна бир янгилик. Қонунга қўра, давлат органлари жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш билан бирга, улар назоратни ўтказиш юзасидан ташаббус кўрсатиши мумкин. Тасаввур қилинг! Давлат органи раҳбари ўз фаолиятини ривожлантириш, нуксонларни бартараф этиш мақсадида жамоатчилик назоратини амалга ошириш ташаббуси билан чиқди. Бунинг натижасида мутасадди ва ташкилот ўзидаги камчиликлар, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини топиш билан бирга фаолиятини ривожлантириш учун фойдали маълумотларга ҳам эга бўлади. Бу фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш учун замин яратлади.

Бир сўз билан айтганда, қонун давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклатилган вазифаларни қай даражада бажараётгани устидан назорат жамоатчилик томонидан амалга оширилишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

МЕРОСИМИЗ - ТАЯНЧИМИЗ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, бугунги мураккаб даврда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўналишида кенг қамровли тарғибот ишлари, маърифий тадбирлар, мунтазам равишда араб ва мусулмон дунёси вакиллари иштирокида даврнинг долзарб мавзуларидаги халқаро анжуман, симпозиум, семинарлар ва суҳбатлар уюштириш, соҳага оид илмий тадқиқотлар, каталог ва альбомлар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекурслар, фильм ва бошқа материалларни замонавий информацион технологияларни қўллаган ҳолда жаҳон ҳамжамиятига етказиш, илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш, ислом дини илмий йўналишида халқаро даражадаги магистр, доктор, профессорлар етиштириш чиркинни таъминлаш Ислом цивилизацияси марказининг фаолият мазмунини ташкил этади.

Муқаддас Рамазон ҳайити кунларида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг марказимизга ташир буюриб, қуриллаж марказ биносининг тамал тошини қўйиши оламшумул воқеа бўлди. Айниқса, шу ерда ишлайётган, ўз олдига жуда катта ва савобли ишларни бажаришни мақсад қилган ҳар бир хошим учун

чексиз ифтихор бахш этди.

Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани, ислом дини ва маданиятини ривожлантиришдаги ролини илмий-амалий тарғиб этиш, буюк олимлар, меъмор, хунарманд, амалий ва тасвирий санъат усталари яратган асарлар, нафис санъат буюмлари, миниатюра ва хаттотлик намуналари марказида қуриллаж музей экспозицияларида намойиш этилади. Бу ерга ташир буюрадиган меҳмон ёхуд саёҳатчи Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, ажодларидан қолган диний-дунёвий билимлар жаҳон цивилизацияси ривожига сезиларли таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлади.

Қариб 40 мингта экспонат, музейдаги қадимий ашёлар ёш тадқиқотчилар учун ўзига хос илмий тадқиқот объекти, тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Улар орасидан чет эл музейларида сақланаётган Ўзбекистон маданияти тарихининг дурдоналари ҳисобланган ашёларнинг нусхалари ҳам жой олади. Археологик, этнографик ашёлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадида маҳаллий ва хорижий талабалар, докторантлар амалиёт ўташга ташир буюриши мумкин. Бу эса тарих ва замонавий ҳаёт ўртасида мулоқот кўприги вазифасини бажариши табиий.

Шунингдек, марказимизда ўз фаолиятини бошлаган, дунёнинг энг йирик ва бой манбалари билан боғланган кутубхона ҳам соҳа вакиллари, тадқиқотчилар учун қулай имконият яратди. Турли давлатлар ислом ташкилотлари, музейлари, олий таълим муассасалари, кутубхоналари ва олимлари томонидан тақдим қилинган китоблардан ёш тадқиқотчилар ўз илмий ишларида фойдаланишлари мумкин.

Умуман олганда, қадим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси марказининг ташкил этилиши ҳар бир ватандошимиз, ёшларимиз, олимларимиз учун жуда катта оламшумул воқеа бўлди. Чунки биз Ибн Сино, Имом Бухорий, Беруний, Хоразмий, Термизий, Мотуридий, Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Бобур каби ўрта аср илм-фан равнақи, ислом маърифати ва цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган аллома ва мутафаккирларнинг авлодларимиз. Биз, ёшлар мафқуралар, маданиятларнинг глобаллашуви қўтилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган тез ўзгарувчан дунё шароитида зўравонлик юзларини, турли зарарли оқимлардан ҳимояланишда ана шу бебаҳо меросимизга таянишимиз керак.

Дилафрўз ҚУРБОНОВА,  
Ўзбекистондаги Ислом  
цивилизацияси маркази  
музей ва экспонатлар бўлими  
бошлиғи, тарих фанлари номзоди

МИРЗО УЛУҒБЕК ИЗДОШЛАРИ САМАРҚАНДА ЖАМ БЎЛДИ

Самарқанда 19 – 23 июнь кунлари умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида физика ва астрономия фанлари бўйича Мирзо Улуғбек номидаги халқаро олимпиада ўтказилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур нуфузли халқаро танловда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Япония, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан вакиллар иштирок этаётди. Илк бор ташкил этилаётган халқаро олимпиадада ушбу мамлакатлардан 45 нафар истеъодли ўқувчи физика ва астрономия фанлари бўйича билимини синовдан ўтказди.

20 июнь кунин олимпиада иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейига ташир буюриб, буюк астроном ҳайкали пойига гуллар қўйди. Меҳмонларга мазкур масканнинг яратилиш тарихи, буюк

бобокалонимиз томонидан самони ўрганиш борасида олиб борилган изланишлар ҳамда музейда сақланаётган ноёб ашёлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Кечки пайт Самарқанд шаҳридаги "Муъжиза" амфитеатрида халқаро олимпиаданинг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани халқаро миқёсда эътироф этилган. Бу заминдан етишиб чиққан Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек сингари алломалар ўз илмий изланишлари, фан оламидаги янгилик ва ихтиролари билан умумбашариёт тараққиётига бемисл ҳисса қўшган. Аждоларимизнинг ибратли ҳаёти, серқирра фаолияти, илм-фан ривожини йўлидаги ишлари бутун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳам ўз даврида илм-фан ҳомийси сифатида дунёнинг турли мамлакатларидан олимларни Самарқандга чорлаб, астрономия, математика фанлари бўйича муҳим тадқиқотларни амалга оширган. Бу қадимий кенда дастлабки олий таълим даргоҳи – мадраса олия ташкил этган. Унда ўз даврининг етук олимлари риёзиёт, ҳандаса каби аниқ фанлар соҳасида изланишлар олиб борган. Биргина "Зижи жадиди қурагоний" асари Мирзо Улуғбекнинг дунё астрономияси тараққиётини белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида ташкил этилган мазкур халқаро олимпиада буюк аждоларимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини халқаро миқёсда тарғиб этиш, истеъодли ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ўқув-

чилар учун хорижлик тенгдошлари билан дўстона рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Назарий ва экспериментал босқичда ўтказиладиган олимпиада иштирокчиларининг билими жаҳонда таниқли экспертлар, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, нуфузли олимлар томонидан баҳоланади.

Ғолиблар ва совриндорлар ташкилий қўмита томонидан олтин, кумуш, бронза медаллари, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади. Ўзбекистондан қатнашган халқаро олимпиада ғолиблари юртимиздаги олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мазкур олимпиадани кейинчалик ҳар икки йилда аънавий тарзда ўтказиш кузда тутилган. Тадбир доирасида иштирокчиларнинг Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданият объектларга

саёҳати, юртимиз ёшлари ҳаёти, таълим жараёни билан ҳам яқиндан танишиши, шунингдек, турли маданият-маърифий учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

– Мирзо Улуғбек номидаги халқаро олимпиада ташкил этилиши бу буюк аллома илмий меросини ўрганиш учун ҳам катта имконият яратди, – дейди Назарбоев номидаги Чимкент кимё-биология йўналишидаги таълим мактаб ўқитувчиси Айнур Смагулова. – Чунки, биздаги дарсликларда Мирзо Улуғбекнинг астрономия фанидаги ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган бўлса-да, улар жуда кам. Бугун Улуғбек расадхонаси ва музейи билан танишиб, кўп янги маълумотларга эга бўлади.

Тадбир доирасида юртимиз маданияти ва санъати ўз ифодасини топан концерт дастурини намойиш этилади.

21 июнь кунин Самарқанд давлат университетидан халқаро олимпиаданинг биринчи босқичи ўтказилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,  
Ў.А. муҳбири

ЭНДИ ИШГА  
КИРИШМАСАМ БЎЛМАС



(Бошланиши  
1-саҳифада)

Орага бироз сукунат чўқди. Холда ака чўқур хўрсинди.

– Эшитмадингизми, яқинда Президентимиз "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарор қабул қилди. Унга қўра, энди бўлажак тадбиркорларга ҳеч қандай гаровсиз имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди. Энг муҳими, кредит олиш ҳам осон бўлиб қолди. Ортиқча қоғозбозлик, югур-югурларга чек қўйилган.

– Ола-аа. Заб иш бўпти-ку, лекин ишонгим келмапти. Ҳар ҳолда каттагина пулни туркимга қараб бериб юборавермас. – Тўғри, шундайга бериб юбормайди, албатта. Энг кам иш ҳақининг юз элик бараваригача бўлган кредитни ҳудудларнинг ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномаси асосида беришади.

– Ҳа, иш анча энгиллашди, аммо тадбиркорликка уквим йўқроқ. Иссиқхона ишининг ҳам ўзига яраша сир-асрорлари бор. Чув тушиб қолшадан бироз чўчийман-да, ака.

– Хавотир олмаган, тажрибали тадбиркорлар эндигина бизнесини бошлаган оилаларга бириктириларкан. Ҳаттоки бизнес режангизни тузишга ҳам қўмаклашади.

– Қойиман. Президентимиз одамларнинг яхши яшаш, турмуши фаровон бўлиши учун ҳамма ишни қиялти-да. Минг раҳмат.

– Салимжон, сизниям бошингизни кўп қотирдим. Аммо яна бир муаммо бор-да. Пишиқ-пухта бизнес режа тузишим, маҳалладан тавсиянома олдим, кредит ҳам берилди, дейлик. Лекин фаолиятимни бошлаш учун ер керак-ку. Ўзи кўп қаватли уйда турсам, томорқа йўқ.

– Эй, ташвишланманг! – Бир балони била-сиз-ов.

– Уша қарорда, қўшни кишлоқ ва маҳаллада бўш турган ер майдонлари янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳеч қандай монеликсиз берилади, деган жойи ҳам бор.

– Узим бир аломат одам экансиз-да. Ярим соат ичда ҳаётимни буткул ўзгартириб юбордингиз. Энди ишга киришмасам бўлмас. Шунча имконият, шароит яратиб қўйилганда энги шимариб, ҳаракат қилмасак, тер тўкмасак, ношукрлик бўлар.

– Ана бу бошқа гап. Қўшининг иши бароридан келса, биз ҳам хурсанланмиз-да, ака.

– Тўғри айтасиз. Халқни ўйлаб, чиқарган фармони учун Президентимизга, уни яхшилаб тушунириб берганингиз учун сизга раҳмат. Мен борай унда. Туни билан гоғни калламада пишитиб олишим керак.

Икки қўшни бир-биридан мамнун хайрлашди...

Фарҳод ҚЎЗИЕВ

Миллий маълумот марказида "Ўзбекистон Республикасидаги таълим ва таълимчиларнинг ривожини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган таълимчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси, соҳа мухтассислари, хорижий компания ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Тошкент тўқимачилик ва етказиб бериш институтининг ўқувчи ва талабалари иштирок этган.



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ  
ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАЙДИ

Ш.ЭРКИНОВ

Анжуманда тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш кераклигини айтилди. Шунингдек, уюшманинг бирламчи мақсади миллий тўқимачилик маҳсулотларининг сифатини ошириш, экспорт ҳажминини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Бу йўлда, албатта, халқаро тажрибага эга ёш кадрларга бўлган эҳтиёж юзага келади. Шунингдек, тўқимачилик саноати корхоналари, пахта-тўқимачилик кластерларини ҳудудлар миқёсида янада

ривожлантириш истиқболи ҳақида сўз борди.

Бундан ташқари миллий маҳсулотлар бозорини хорижда кенгайтириш, бу борада тегишли маркази ҳамда бажариш лозимлиги борасида фикр юритилди.

– Жорий йилнинг февраль ойида "Ўзтўқимачилик саноат" уюшмаси, "Шарқ" либослари дизайн маркази ҳамда Франция халқаро мода академияси ўртасида шартнома имзоланди, – дейди "Шарқ" либослари дизайн маркази раҳбари Камола Фулмова. – Шартномага қўра май ойида

15 нафар мухтассисларимиз Франция халқаро академиясида малака ошириб қайтди. У ерда тўқимачилик соҳасидаги инновациялар, янги конструкция методларини яратиш борасидаги хорижий тажрибани ўрганди. Марказимиз Италия, Туркия, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги жаҳоннинг йирик мода маркази, олий ўқув юрти ҳамда академиялари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

Тадбирда соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклиф-мулоҳазалар тингланди. Муаммоларни ҳал этиш учун баҳамжихат ишлашга келишиб олинди.

ШАХСИЙ  
ИДЕНТИФИКАЦИЯ  
РАҚАМИ

болага туғилганидаёқ берилади

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бундан ташқари, келгусида туғилиш ва ўлим фактларини вақтида қайд қилиш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб ФХДЭ органлари билан солиқни сақлаш муассасалари ўртасида электрон маълумот алмашиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, бола туғилгани ҳақидаги гувоҳнома қайд этилишида болаларга унинг ҳаёти давомида тўпланадиган ўзи ҳақидаги барча маълумотларни қамраб олувчи шахсий идентификация рақами берилади. Демак, 2019 йил 1 январдан бошлаб туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олган бола тўғрисидаги маълумот-



лар шахсий идентификация рақамига жамланиб боради. Бу зарур вақтда тез, осон ва ишончли маълумот олишга хизмат қилади.

Мазкур қарор билан халқимизга яна бир қанча энгиллик яратилди. Маълумки, ФХДЭ органларида туғилишни қайд этишда давлат божи

Элдор МАҲКАМОВ,  
Адлия вазирлиги бўлими  
бошлиғи

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо «Зарб» номли қисса битди. Асар қаҳрамонлари — бугунги ёшларимиз, ўзбекнинг доврўғини оламга ёяётган спортчиларимиздир. Мутолаа мобайнида биргина спортчининг камолга етиши учун қанчалар кўп ҳаётий омиллар лозим эканини англайсиз. Ўзлигидан, ўз юртдоши ютуғидан қувонолган, ғурур туёлган ўзбекнинг жўмард қалбида кечажак ҳайрату ҳаяжон, оғриғу аламлар, севинч ва муҳаббат қиссада ўзининг бадиий ифодасини топган.

Қуйида асардан олинган парча ёшларимиз эътиборига ҳавола этилмоқда.

Зарб

(қиссалар парча)

«ГУМБАЛАҚИДОМ-ГУМ!...»

Ўн чоғли ўсмир қишлоқ четидаги сойбўйи сайҳонлигида тўпланиб турибди. Нисбатан гавалароқ, бошқалардан ёши каттароқ Жавлон сигарет қутисини намойишкорона очаяпти. Қути кетига оҳиста чертиб, бир дона сигаретни олди, эзгилаб юмшатади, кейин чақмоқтош ёқиб, олифтагарчилик билан тутатади. Болалар маҳдиё. — Бунни ўғил бола чекади. Эс-эс, битта тортмаган — пёс! — деди Жавлон тутаб турган сигаретни кўрсатиб.

Болалар бирин-кетин тутун тортиб, айлантиришди. Бирови йўталди, бирови ўқиди, яна бири дудни тақлидан осмонга пуфлади. Жавлон елкасини ташлаб-ташлаб, яяраб қулди. Навбат четада турган озғинроқ болага келди.

— Ҳа, Азиз, ўзингни кўрсат! Битта ўғил болача тортгин, қули жингаллақ бўлиб бурнингга тиралиб қолсин. Қани! — Мен чекмайман. — Нега? — Чекмайман, деб қўйганман. — Чекмайман деб қўйганман? — Азизнинг гапини мазақ оҳангидан қайтарди Жавлон. — Кимга деб қўйгансиз, опоқ бола? — Бў — мени ишим! Чекмайман, тамом!

Жавлон кураш тушмоқчидай қулочини ёзиб, майда қадамлар билан гапириб кела бошлади. — Қаранг-а-а! Қандай одобли боламан! Альоҳиман, тирноқларимниям вақтида олиб юраман, бетимини совунлаб юваман. — У шундай деб масхара муомуз оҳангда қўшиқ бошлади: Эрта билан туроман Наҳори нашта-ё, наҳори нашта.

Гумбалақидом-гум! Ўнг қўлимда игнаю... Шу жойга келганда болаларга қараб кўз қисди: — Ҳа! Болалар жўр бўлди: Тиззамда кашта-ё, тиззамда кашта!

Гумбалақидом-гум! «Гум!» дейилган пайтда Жавлон Азизни кўкрағидан итариб юборди, у ортида атай тўрт оёқлаб олган Мирзага айқашиб, чадакча йиқилди.

Жавлон кўзларини олайтириб, шарқ яккакураш услубларига ўхшатиб, «ийя-ийя» деб ҳавони тепди, мушларини биқинига тираб, кескин ортага ўгирилиб, болаларга қараб ўзича: — Ай-кидо! Мейд ин Жапн! — деб хитоб қилди.

Азиз эса ўрнидан туриб, жимгина кета бошлади. Шу пайт Мирза қайроқчилик қилиб, унинг йўлини тўсди ва гиж-гижлашга тушди:

— Ия, йўл бўлсин, опоқ бола! Сизда ғурур борми? Сизни итариб, юмалатиб ташлади-ю, сиз бўлсангиз амманни бузоғидай хўшайиб кетаверсангизми? Ҳеч бўлмаса, ярим шапалоқ совга қилинг қайтишимга. Бўлмаса, болалар турган кунингизга рўмол совга қилишига тўғри келади! Рўмолнингизни ранги қанақа бўлсин?

— Қўй йўдан! Мирза бирдан тўйда табарика чикқан қизча қиёфасига кириб, қўйлагининг этагидан паства тортиб, шеър айта кетди: — Оқ рўмол бошингизда,

Соёси қошингизда...

Паранг рўмол ўрабсиз Ўн икки ёшингизда! Болалар қийқариб қулишди. «Фишт-фишт» овозли хўштаклар, «Июв-июв!», «Емон қилди-ю, артист-да бу!» деган хитоблар янгради. Мирза иккала қўлини мушт қилиб, бош бармоқларини тиккайтириб, Азизнинг бурнига ниқтади. — Қани-қани, отасими-энаси? — Кўзи билан бош бармоқларига ишора қилди. — Буниси — отаси, буниси — энаси. Қайси бирини танлайсан? Ё ўзим ушлатиб қўямими?

Азиз қайроқчини туртиб, четта сурди ва ўз йўлига кета бошлади. Орқадан югуриб етиб келган Жавлон ўзини ажриққа ёнбош ташларкан «шмк!» деб қийқариб Азизни тўпигага тепиб йиқитиб, бир айланиб устига ўтириб олди. Эрмақ қилиб қўлини қайирди, манглайини манглайига тирагудек бўлиб, «тирс» эткизиб бурнига чертди. Азиз ҳар қанча уринмасин, уни ағдаришга ожизлик қилар, кучли панжалардан билакларини қутқаришга илож тополмасди. Шу аснода тутқатор сўқмоғидан ўтиб бораётган синфдош қизларга кўзи тушган Азиз жон-жаҳди билан типирчилай бошлади. Хириллаган овозда бақирди:

— Қо-о-оч! — Ие, сенсиравордизми? Тилингизни чиқаринг-чи, қани. Ай-яя-яя! Қаяққа қочай? Қошингиз билан йўл кўрсатворинг.

Жавлон ростмана бир шапалоқ тортиди-ю, Азизнинг бурни тиркираб қонаганини кўриб, апил-тапил ўрнидан турди. Шериклари билан қий-чув кутариб, бошларида сумкаларини айлантирганча қишлоқ томон йўртиб кетди. Бироздан сўнг Азизнинг синфдоши Азиз қайтиб келди.

— Азиз, ҳалиям ўтирибсанми? Битта тортганинда шу гаплар йўғиди. Болаларга мазақ бўлганинг қолди. Биласан-ку уни, йўқ жойдан уриш чиқаради. — Ҳа, ҳаммаёқни расвоси чиқди. Ҳаммасиданам Нурхон кўргани чатоқ бўлди. — Нурхон? Сенга ҳали шу алам қиляптими? Усти-бошингни қара, қўйлақларинг қон... — Бунни ювса кетади...

ОШИҚ ОҒЗИДАГИ ОШИ

Пештоқиға «Мелиқўзи махсим суппермаркит» деб ёзилиб, ношудлик билан турли гуллар, мева-сабзавотлар, ишшалар расми тартибсиз чиқилган қишлоқ дўкони эшигига бир бог исирик, қалампир, тақа ва қўйтикан илиб қўйилган. Қизил тўнли Қорбобо тасвири туширилиб, «Янги йилнингиз билан!» деб ёзилган ойна тагида калта иштонли болалар чўнкайиб ўтирганча муздаймоқ яляпти. Дўкондан қўлида халтача билан чиққан Азизнинг кўзи томнигача юк қўйилганидан инкиллаб келаятган эски «Москвич»га тушди. Машина дўконнинг эшигига кўндаланг тўхтади. Азиз уловидан бир амаллаб тушган хўппасемиз Мелиқўзи махсим билан сўраганин қўл узатди. — Қарашворайми, махсим тоға? — Бор, ишингни қил, — терс жавоб берди махсим.

— Ҳа, тоға, тинчликми? — Азиз ҳеч нарсага тушунмай, ҳайрон бўлиб махсимнинг юзига қаради. — Қишлоғимиздан бир мард йигит чиқди, деб суюнсақ, бу ёғи чатоқ-у! — Нимаси чатоқ? — Оғзингиздаги ошни олдириб ўтирибсан-у, бундан чатоғи бўладими? — Очирқоқ гапиринг, тоға. — Сойиб носвойининг боғига боргин, дарров тушунсан. Ҳа, чемпион!

АНВАРАЛИ ШЕШБЕШ

— Рустам, шуни сенга қучириб берай. Уйингда курақол. Саногидан янглишиб кетдим, нечанчи марта кўришинг бу? — Бўпти, қучириб берарсиз. — Ия, шунча кўриб туймадингми? Ана шу боксчини қишлоғимизга тақлиф қиласан келармикин, а? Отамлашардик. Ўзимам дам олиб кетарди.

Шу сўзгина Рустамни экрандан юлиб ололди: — Ростанам, келса зўр иш бўларди. Гаплашиб кўрсамми-кан? Санаткорлар билан ҳам тадбирлар бўлади-ю. Нима бўпти боксчилар билан учрашув қиласан? — Харажатларидан қочган номард. — Устозим билан учрашиб, гаплашиб кўраман. Уни ҳўрмат билан, йўқ демаса керак. — Гаплаш. Устозингизга тақлиф қил. — Бўпти. — Ҳ-у, Иззат бойвачча, бу томонга бир қиё боқиб қўйсинлар! Чой совиб қолди-ю! — муштумзўр қиёфали киши Иззат акани ёнига чорлади. — Ўбба! Анварали Шешбеш қонимга ташна қилди-да! Икки кундан бери шетта. Бир тийин чиқармайди. Бир нарса десанг, хонтахтага пичоқ уради. — Нега кўрқасиз? Тили қисик жойингиз борми? Тавба, уйда сичқон рўза тутиб юради-ю, булар маишатдан бўшамайди.

— Тўғриси, шу чойхонадан ҳам воз кечворайми деб турибман. Қачон қарасанг, жанжал. Маст-аластин пақкасига айланган қолди. Кеча Азиз қиморбоз хўроз қўлтиқлаб кепти. Нима дейсан, уфдатлари билан хўроз уриштирармиш. — Бекорчиликдан ҳар бало чиқади. — Нимаймиш, қўлтиғидagi хўроз ўн минг доллар турармиш. Азимнинг ўзи неча пул тураркин, ҳудо билади.

— Қадимда чойхоналарда китоб ўқилган, газетхонлик, баҳс-мунозаралар бўлган экан. Шунни тиклаш керак. — Ҳудо хоҳласа... Бўкиб ошни еб, ёнбошлаб ёйбатдан бўшамайди булар. — Ўв, Иззат! Иззатнинг битди. Тезда чойни янгила! Бўлмаса, ҳозир чойнак ўзи учиб боради, — дўқ қилди Анварали.

— Кетяпман, шеф! — Рустамга сўроқ назари билан қаради, — бир қовурғасини санаб қўймайсанми? — Биз тик турган одам билан беллашамиз. У ўзи аллақачон чапақ бўлган. — Сенгаям беш кетмадим... Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири

30-IYUN — O'ZBEKISTONDA YOSHLAR KUNI MA'NAVİYAT – MAVSUMIY IŞ EMAS

Искандар РАҲМОН, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдида солаётган хавф-хатарларга, жаҳолатга қарши — маърифат асосида курашиш, динимиз поқлигини сақлаш бўйича мамлакатимиз томонидан нуфузли халқаро минбарлардан қатор амалий ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деган ном билан махсус резолюция қабул қилиш ҳақида билдирган тақлимимиз жаҳон миқёсида кенг қўллаб-қувватланмоқда. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёш авлод тарбияси доим муҳим вазифа ҳисобланган. Афсуски, ҳозирги таҳликали замонда инсон маънавиятига таҳдида кунаямоқда. Мақсад — инсонни манкуртга айлантириб, турмуш тарзи, урф-одатлари, маънавияти, маданиятидан

мосуво этишдан иборат. Бунинг учун эса, бемехрлик, беҳаёлик, лоқайлик, андишасизлик, ахлоқсизлик ва бошқа кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, куракда турмайдиган бемаъни, хурмача қилиқлар тарғиб қилинмоқда. Имон-эътиқоди суст, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган оилада «тарбия» олган айрим ёшларимиз бундай олди-қочди, шармандали масхарабозликлар домига тушиб, уларга кўр-кўрона эргашмоқда. Буни кундалик ҳаётимизда баъзи ёшларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари, беғўшлов кийиниши бемаъни гап-сўзларида кўриш, қузатиш мумкин.

Кейинги пайтда ҳали она сўти оғзидан кетмаган айрим йигитлар соқол-мўйловларини ўстириб, қизлар урфларини эришга эришга эришиб, ўзича янги «мода»лар кашф қилаётгани эса, киши гашини келтиради. Тўғри, бизда ҳар кимнинг турли қизиқиш ва майлларига ҳўрмат билан қаралади. Аммо хатарли майл

ва қизиқишлардан ўзимиз, айниқса, фарзандларимизни асрашимиз муҳим. Айниқса, ҳозиргидек таҳликали вазият ёшлар тарбияси, маънавиятга жиддий эътибор беришни тақозо этади. Шу сабабли ёш авлод маънавияти масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мустақиллик йилларида ёшларни ҳар томонлама етук, соғлом, ватанпарвар, фидойий инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июнь кунин «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV Қўрултойида сузлаган нутқи, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 72-сессияси-

даги нутқида жавобан мазкур нуфузли ташкилотнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида Ёшлар форуми ўтказилгани, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенция ишлаб чиқишга киришилгани ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Ёшлар — бизнинг келажгимиз, фахримиз, ифтихоримиз, ор-номусимиз, уларнинг маънавияти — эл-юртимизнинг кўрки, зийнатидир. Шундай экан, барчамиз фарзандларимизни турли гоёвий таҳдидалардан асрашимиз, уларнинг онгу тафаккурида мафқуравий иммунитетни қарор топтиришимиз ва улар маънавиятини кексалар маърифати, шахсий иборати, маслаҳати, дуоси билан мустаҳкамлашимиз керак.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, маънавий иммунитетни қучиш, имон-эътиқоди мустаҳкам, доимо оғоҳ ва сергак одам ҳар қандай илғов, алдов, сафсата, хуружларга ўчмайди, ақлдор, дид-фаросат билан иш тутади, кўксини қалқон қилиб ўзини, ўзигини турли бало-қазо, иллатлардан сақлайди, ёт қарашларга қарши аёвсиз, тинимсиз курашади.

«ФИДОКОР ЁШЛАР» ЖАМОАТЧИЛИК ПАТРУЛЬ ГУРУҲЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилindi.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилди.

«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари таркиби: мудаатли ҳарбий хизматни ўташ ниятида мудофаа ишлари бўйича туман бўлимига мурожаат қилган ҳарбий хизматта

чақирилувчилар; республика олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек, ички ишлар органларининг таълим муассасаларига кириш истагини билдирган номзодлар; ички ишлар органларида хизмат қилиш истагини билдирган номзодлар орасидан шакллантирилиши назарда тутилди.

Шунингдек, жамоатчилик гуруҳлари таркибига кириш мудофаа ишлари бўйича туман бўлимлари ёки ички ишлар органлари томонидан бериладиган йўлланмалар асосида амалга оширилиши; жамоатчилик гуруҳлари улар фаолият олиб борадиган маҳалла ҳудудида яшовчи ёшлардан шакллантирилиши; жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича жавобгарлик туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари



ва профилактика инспекторлари зиммасига юкланиши; жамоатчилик гуруҳларининг ҳар бир аъзоси сутканинг кечки ва тунги вақтида белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт миқдорини таъминлаш қилишга жалб этилади ва бу хизматга (ўқушга) ҳўжжатларни яқуний қабул қилишга асос ҳисобланиши;

ўзининг маҳалласида ҳуқуқ тартиботни таъминлашда фаол қатнашган жамоатчилик гуруҳи аъзоларига профилактика инспекторлари томонидан фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда хизматга (ўқушга) танлов ўтказишда инобатга олинмаган тавсияномалар берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.



Тўмарис АбЗАМ

Болалик — имкониятларга бой бўлган муҳим ривожланиш палласи. Ўсмирликка ўтиш даврида улар ўзини ҳар томонлама намоён этишга интилади. Аммо бу даврда хулақ-атворнинг салбий жиҳатлари ҳам пайдо бўлиб, гиёҳвонлик моддалари, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш каби иллатларга мубтало бўлиш хавфи ортади.

Хўш, бу пайтда фарзандларимизни носоғлом муҳитдан ҳимоя қила олаётимизми? Улар ўзини қинаётган муаммоларни ота-онаси билан ўртоқлашяптими? 2016 йилдан буён Тошкент

шаҳридаги умумтаълим мактабларида 10-14 ёшли болалар ва уларнинг ота-оналари учун «Оилада ҳаёт кўникмаларини ўқитиш дастурлари ёрдамида ёшлар орасида психофаол таъсир қилувчи моддаларни

истеъмол қилиш, ОИВ/ОИТС ва жиноятчиликнинг олдини олиш» лойиҳаси бўйича «Мустаҳкам оила» дастури амалга оширилмоқда.

Чилонзор тумани «Баркамол авлод» болалар марказида ташкил этилган брифингга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилатининг Гиёҳвонлик моддалари ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигидаги мазкур дастур юзасидан эришилган илҳобий

натияжалар хусусида атрофчида маълумот берилди.

2016-2017 йилларида дастур бўйича Тошкент шаҳрининг 7 та умумтаълим мактабида синов ўтказилган бўлса, жорий йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг 11 туманида ҳам ушбу лойиҳа амалга оширилди. Мутахассислар апрель-май ойларида 12 та умумтаълим мактабида ўтказган тренингда 120 оила қамраб олинди.

— Бугун давр шиддат билан ўзгараётган пайтда замонавий болаларга замонавий педагоглар зарур, — дейди Чилонзор туманидаги 173-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нигора Зукуроова. — Биздан уларга дўстона муносабатда бўлиш талаб этилади. Фихримча, дастур ҳақида эшитган ҳар бир ота-она «Мен боламни тинглаяпманми» деган саволни ўзига бот-бот бериши керак. Мазкур дастурда тренер сифатида иштирок этиб, нурдидгаларимиз ота-онаси ва ўқитувчиларининг маънавий кўмакига қанчалик муҳтож эканига ғувоҳ бўлидим. «Мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналар билан бирга психолог тренинглар йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Брифингда қатнашган ота-оналар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

KITOB JAVONINGIZGA

УЙҒОҚ ҚАЛБЛАР  
ҚЎШИҒИ

Манзура АБДУЛЛАЕВА



Жамила  
Чингиз АЙТМАТОВ

Ёмгиран сўнг нам тортиб қолган тупроқ йўл. Тиниқ осмон, шарқироқ сой, ям-яшил ўтлоқ, уюр. Олис тоғлар ортидан юксаклик сари кўтарилаётган Кўёш... ва унинг қайноқ тафтидан жонланиб, жидолашиб, янги кунни қарши олаётган Она замин!

Аслида буларнинг бари эски шинели ва этигаидан бўлак ҳеч вақоси йўқ Дониёр ҳамда қизил гулли кўйлагига ўзига ярашиб турган Жамиланинг борлиқда бахш этаётган ўли муҳаббатидир.

XX аср жаҳон адабиётида севи ҳақидаги энг гўзал асар дег баҳоланган Чингиз Айтматовнинг "Жамила" қиссасида беғубор болалиги ҳурак ва шиддаткор йилқилар ичида кечган, худди улардек учқур камолот касб этган сарвкомат, содадил киргиз аёли образи гавдаланади. Унинг қувноқ, эркесвар ва эркаларга хос феъли кишида беихтиёр

меҳр уйғотади. Тоғ этагидаги Бақайир овулида от чоптириб униб-усган бу шаддо қизнинг ҳар бир ҳаракати табиий, гўзал.

Дониёр-чи? Зоҳиран қараганда Жамиланинг мулақо акси. Жуда одамови, камгап, камсуқум, мўмин-қобил йигит. Яқкаш ва ғариблигининг сирини сурату сийратидан намоён. Балки етимлик азоб-қубатини тортгани учун ҳам кўзлари ғамгиндир, тинмай хаёл суриб, ўзгалар ҳеч англаб етмаган, маъноси тушунарсиз алмақандай сирли сасларни бутун вужуди билан тинглаётгандай, борлиқни кўксига босиб қучмоқ

чидай туюлади. Асардаги бу икки қаҳрамонни бир-бирига ўхшатиб турган кўз илғамас нуқталар уларнинг руҳий дунёси, ботинида мавжуд. Бўмаса, Дониёрнинг киши қалбининг энг нозик торларини чертиб, жўшқин ҳисларга кумаётган кўнғироқдек овози Жамиланинг кўпдан бери яшириниб ётган туйғуларини туйғулантириб, советтан қалбини қутилмаганда қайта алангалатиб юборармиди?! Йигитнинг ич-ичидан отилиб чиқаётган сокин ва соҳир овози самимий, покиза кўнғил эгасининг бутун қувончи, орзу-умидлари, армонлари, дардларини, бошпана излаб ўтказган машаққатли етимлик йилларию қониқ жангҳоҳлардаги кечмишлари, ҳаёт-мамот йўлларидан мардонанвор ўта олган умидбахш иродасини ифодаларди. У она Ватанга, ёруғ оламга оташин муҳаббатни тараннум айларди. Буларнинг бари маҳбубаси учун аталганди.

Жамила қандай аёл? Савад оддий, аммо жавоб уйғалаб. Қўққисдан ҳукм чиқариш эса, ярамайди. Адолат мезонига пугтур этиши мумкин. Зеро, қалбнинг ўзига хос эзимилаган ахлоқ меъёрлари мавжуд. Улар устидан на ақл, на ташки олам, на маънавият ҳукмрон бўла олади. "Жамила" китобхонада гўзал рубоий куй сингари ёқимли таассурот уйғотиб, қалбидан чуқур жой олиши аниқ.

САВОЛГА 1 ЖАВОБ



— Ташкилотимизга малакали ҳуқуқшунос керак. Мен қадрлар бўйича комиссия раиси сифатида ҳолимларнинг умумий йиғилишида ҳаммасларимдан муносиб номзодни тавсия қилишни сўрадим. Энди эса, ўйлаб турибман: тавсия қилинган номзодларни ишга қабул қилишга мажбур бўлиб қолмайманми? Ахир, таклиф қўлдан чиққан-ку.

Рашида ТОШТЕМИРОВА  
Хонқа тумани

САВОЛГА 2 ЖАВОБ

Саволга ҳуқуқшунос Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддасига кўра, иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсни ишга қабул қилишга мажбур бўлиб қолмайманми? Бироқ бу қоида ишга қабул қилиниши факти сиз имзолаган ва ташкилот муҳри қўйилган

хат-таклифнома билан тасдиқланган тақдирдагина амал қилади. Қолаверса, таклиф қилинган ходим ҳолимларнинг умумий йиғилишида қабул қилинишини сўраб ташкилотга ёзма мурожаат қилиши ва бунинг учун тегишли ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Сиз айтётган ҳолатда янги ходимни излаш, у билан сўхбат ўтказиш ишга таклиф қилишга кирмайди. Шундай экан, ташкилотнинг ўзининг истаганча номзод билан учрашиши мумкин.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ҳуқуқшунос (юрист) лавозимига ҳуқуқшуноснинг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сонли ҳамда 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарорлари талабларига жавоб берадиган шахслар ишга таклиф қилиниши лозим.



(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

YOSHLIK ILHOMI

БОШИМДАГИ  
"КАРА СЕВДА"!

Шерзод МАҲМУДОВ

(Ҳажвия)

Аёл киши билан гап талашиб бўлмас экан. У десангиз у. Келинингизга ҳам Худодим бир қарич тил то этган. Гапга тушиб кетса, тамом!

Хуллас, уйимизда туппа-тузук ишлаб турган телевизор бор эди. Аёлларни биласиз, сериал жинниси! Қозонда овқати пийшма еки кийимлари юйилмай қолса-қоладики, аммо сериални ўтказиб юбормайди. Қизим мактабдан "икки" олиб келган, ўғлим кўшининг боласи билан уришган, аммо хотиним парвойи фалак. Болаларга тарбия бериш ўрнига сериалдаги Нихон исмли қизнинг Камол билан муҳаббати увол бўлаётганига ачинади.

Бир кун ишдан келсам, парининг кайфияти бежо. Индамайгина кириб кетаётганим, йулимни тусиб қолди.

— Ҳа, — дедим ҳозир бир галва бўлишни кўнглим сезиб. — Одамлар дам олгани Европага борапти. Мааниинг ҳордиқ олсин деб аёлни театрларга олиб тушяпти. Мен-чи! Катта кўчадан бошқа ҳеч нимани кўрганим йўқ!

— Нега энди, хоним? Бир пайтлар кинога тушгандай-ку? — дедим ўзимни оқлаб.

Унинг аламдан қазириб турган юзи докадек оқариб кетди.

— Уч йил олдинги гапни айтманг! Ушанда ҳам текин билет бўлгани учун боргандай.

— Ҳўп, нима қил дейсиз? — Телевизор олиб беринг!

Қаранг, ўзимизникининг экранини жуда кичкина. Утган кунни ҳамсоямиз Сожиданинг уйига кирганим. Эри катта телевизор олиб келбди. Менинг ундан қаерим кам!

— Ҳўп, хоним, ҳўп. Бажарамиз! Фақат бир-икки кундан кейин. Ойлик олай. Ҳозир чарчаганман...

— Адамаяписизми? Сиз эркалар ваъва бериб унутасиз. Зўрма-зўраки тавзим қиламан. Хотиним баттар асабийлашади. Бироқ ҳозир ҳўп дейишдан бошқа чорам йўқ. Шундай қилиб дам олиш кунни бозорга тушамди. Телевизор сотиб олдим. Ичимада севиниб қўяман. Бир томондан, ўзимга ҳам яхши бўлди, энди футболни бемалол катта экранда кўришим мумкин. Келинингизнинг ҳаққига дуо ҳам қилиб қўйдим.

Уша кунни уйимизда байрам бўлди. Келинингиз атрофимда парвона. "Дадажониси, чарчамадингизми?", "Дадажониси, овқат ичасизми?", "Дадажониси, қўл бола шарбат тайёрладим, берайми?" — деб ҳоли жонимга қўймайди.

Хуллас, мазал! Аммо эрта суянган эканман. Ҳамма галва шундан кейин бошланди. Бир кун ишдан кеч қайтдим. Билман, бу пайтда хотин сериал кўриб утирган бўлади. Қарасам, дарвоза очик. Одатда ҳеч бундай бўлмасди. Ҳайрон қолиб, ичкарига кирдим. Уйдан телевизорнинг балан овози эшитиларди. Олапар кучумиз уйчасида вингибгина ётар, ҳовлидаги чироклар ҳам ёқилмаган, афтидан хотин тушмагўр сериалга берилиб кетиб, чирокларни ёқини унутган қуринади. Чирокни ёқдим. Дарвозахона олдидаги кичкина уйчаннинг эшиги очик турибди. Кўнглим ғаш бўлди.

Дарҳол уйга кирдим. Не кўз билан кўрайки, бокам ўғлининг ҳатна туйига деб олинган эрони гилам йўқ. Ҳаёлимга чойхонада қулғимга чалинган гаплар кела бошлади.

"Эшитиларингми, кўшни қишлоқда ўғри пайло бўлибди. Одамлар кечки пайт кино, сериал кўриб утирганга уйга кириб, қўлга илинган нарсани олиб кетаётган экан!"

"Кўшни қишлоқлик Ходи электрикнинг хотини кино кўриб

утирганида омборхонасида турган катта қозонини олиб кетибди. Ходи келиб, хотинини буралатиб сўкибди!"

"Утган кунни Дайди қишлоқдаги Карим чўлоқнинг ошхонасидаги самоварини "ухлатиб" кетишибди! Карим чўлоқнинг хотини ўғрини роса қарғабди. "Онамдан қолганди" деб!"

Орагим орқага тортиб кетди. Бу хотин сериалга андармон бўлиб турган пайтда бизниқига ҳам ўғри оралаган бўлса-я? Ахир, эрони гилам йўқ-ку!

— Ҳой, Зарифа! Зарифа дедим!

Шовқиндан хотиним овозимни эшитмасди. Қайта қақирдим. — Зарифа!

Бефойда. Хона эшигини очдим. Хотинимнинг қўлида дасрумолача, ёнида эса, икки фарзандиниз ухлаб ётарди.

— Қулғонинг том битганини нима бало! Чақирсам эшитмайсан!

— Вой, келингизми? — деди хотиним илҳис урнидан туриб. — Эшитмабман! Овқат ичасизми? Ҳозир, "Кара севад" тугасин! Кўриб олай! Жа қизик жойига келди ўзимга. Камол Асуга уйлантипти!

— Уйланмай қолсин! — дедим тутқиб. — Эрони гилам қани? Хотиним ҳайрон бўлди.

— Қанақа эрони гилам? Ҳа, анави гиламми! Жойида турибди. Кираверишдаги омбор уйчада! Ҳозиргиз бозордан олиб келиб қўйгандайингиз-ку! Шундоқитинга турибди. Тинчликми?

"Шиақ" этиб диванга ўтириб қолдим. Тамом. Уғирлаб кетишган. Афтидан рангим бўзариб кетган, шекилли, хотиним ёнимга ўтирди.

— Нима бўлди! — деди қўрқа-писа.

Овозим базўр чиқди. — Йўқ... Жойида йўқ. Уғирлаб... уғирлаб кетишибди!

— А-а-а! — деди хотиним ва ташқарига югуриб чиқди. Бориб ўз кўзи билан кўриб келди, чамаси, оёқ-қўли бушашиб қайтди.

— Нега? Ким олай уни? — Буни сендан сўрашим керак! — дедим ўзимга келиб. — Бурнингнинг тагидан нарсанинг келганига кетишадими-ю, сезмайсан! Товуқми!

— Бимамбан-да, дадаси? — дед хотиним уввос солиб йиғлаб юборди. Унинг йиғисидан болалар уйғониб кетди. Каттаси кўзини ишқалаб, бизга ҳайрон қарар, киниги йиғингизми!

— Вой, мен улай! — деди хотиним румолининг учини тишлаб. — Сиз келмасизгидан ярим соатча аввал итимиш роса ақиллаганди. "Кара севад" энди бошлангани учун чиқиб қарагим келмади, лекин Олапар жим бўлмади. Мажбур ташқарига чиқдим. Дарвозахона олдидан бир одам қўлида каттагина нарса кўтариб турар, итимиш эса, унга қараб тинмай воқулаётганди.

"Нима гап?" — деб сўрадим. Овозидан ешгани йигит экан — юзини ёра-ширада кўролмадим. "Опа, уйма-уй шолча сотиб юрибман. Сизниқига бош суқандим, мана бу итингиз чиқиб кетишга қўймапти", — деди. Мен бўлсам: "Шолча олмаймиз, кетаверинг, итни қақириб оламан", — деб уни қўйиб юборибман. Қўлидаги нарса гиламиниз бўлса керак!

Ана сизга томоша! Уғрини ўз қўлинг билан чиқариб юборсанг! Боллабсан! — дедим урнидан туриб. — Бугундан бошлаб сериал тамом! Йўқол ҳамманг!

Аламидан телевизорнинг кабелини узиб қўйдим. Хотиним бир ҳафтагача қовоқ-тумшўқ қилиб, кўзимга қарай олмай юрди. Ким билсин, айбини сездимки ёки сериални қўрсатмаётганимга мендан аразлаганим...

Фақат бир нарса аниқ — бо-жамга туёна бераймигидан бўлди! Ана, шунча!

BUGUNNING GAPI

Санжар ЭШМУРОДОВ

Ўқув йили тугаб, имтиҳонлар бошланди. Шу ҳақда ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Ҳаттият билетнинг ҳар бирида бештадан савол. Мен эса, худди мингта жангчига қарши турган аскардек ёлғизман. Бир ўзим нимани ҳам эплай оларим. Энг ёмони, ўша маҳалда менга йил бўйи кўмаклашган "суфлёрларим" — Лобар ҳам, Гўзал ҳам ёнимда бўлмайди. Устига-устак, ўтган кунни синф раҳбаримиз гап қотди:

Эпломладим,  
биродар!

— Аввало, айтиб қўяй, мен доим сиз томонданман. Энди имтиҳон ҳам бир байрам. Унга яхшилаб тайёрланиш керак. Ҳакамларга қанча мулозимат қилсак, баҳолар шунчалик кўтарилаверади. Уларнинг столига озроқ қанда-курс, чой, ичимликлар қўймасак, уялиб қоламиз, ўқинглар-ми? Бугунки синф сардорининг ўзи яхшилаб тушунтиради.

Эртаси кунни ўқитувчиларимиздан бири: "Йил давомида қилган меҳнатини бир тийин қилиб, саволларга жавоб берамай ўтирманглар тагин. Китобдан фойдаланасизларми, конспектларини, аҳамияти йўқ. Мен индамайман, синф раҳбарларинг ва текширувчиларга билдирмасаларинг бўлди", — дед айни дилчимиздаги гапни айтди.

Нихоят, қутилган кун келди. Хоналарга бирма-бир бош суқиб кирган текширувчилар нуқул дас-турхонга кўз югуртиради.

Хуллас, барча имтиҳонларни аъвога топширдим. Мактабни тамомлаб, коллежга кирдим. Уни ҳам қизил диплом билан тугатадим.

Аммо олдидим яна катта синов турарди — университетга кириш имтиҳонидан муваффақиятли ўтишим керак. Бу сафар ҳам ёрдам берувчилар йўқ.

Имтиҳон кунни аудиторияга кирганимизча ҳамма ёғимизни роса текшириш-

ди. Кимдан шпаргалка, кимдан телефон чиқди. Хайриятки, меникини топа олишмади. Аммо шунча ҳаракатим барбир зое кетди. Хонадаги назоратчилар кимирлашга ҳам қўймади.

Менга ўхшаганлар анчагина экан. Биргалашиб ёрдам сўрадик. Назоратчилардан ёши каттароғи: "Бизнинг ҳам фарзандларимиз, набирларимиз бор, кимдир кирса, дарҳол яқинрасиз! Бизга гап тегиб қолмасин. Кетаётганда рози қилиб кетарсизлар", — деди.

Бахтим қулиб талаба ҳам бўлдим. Тўрт йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Қарабсизки, олий маълумотли кадрга айландим. Дипломим қўлида. Энди катта ҳаёт бўсағасидаман...


Таассуф! Шундан кейин бошим ташвишдан чиқмай қолди. Ташкилотга ишга кираман-у, билимим етарли эмаслиги боис, кўпга бормай бўшатишди. Орун-ният билан менга қизини берган қайнотам ҳам илҳис эканини билиб, хотин, бола-чақамни олиб кетди.

Шундай қилиб, на иш, на оиланинг тайини бор.

Англадимки, ҳаёт мактабда ғирромлик қилиб бўлмас экан. Давлат имтиҳонларини бемалол топширганим. Аммо қисмат синовларни олдидан таслим бўлдим.

Эпломладим. Ҳа-ҳа эпломладим, биродар!

BILASIZMI?



Ибн Сино 10 ёшида Қуръонни ёд олган.



Абу Райхон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарини 27 ёшида ёзиб тугатган.



Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар"ни 28 ёшида эълон қилган.



Иқола қўлини баравар бошқариб, ишлата олаётган одамлар амбидекстерлар деб аталади. Улар сай-ёрамыз аҳолисининг фақат 1 фоизини ташкил қилади.

MENING FIKRIM

НЕГА ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР  
ЧИҚАРМАЙ ҚЎЙДИК?

Диллора МУҲИДИНОВА

Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ойбек каби кўплаб атоқли шоир ва ёзувчиларимизнинг илҳис ижодий машқлари мактаб деворий газетасида эълон қилинган. Шу орқали улар аабиёт бўстонига қадам қўйган.

Дарҳақиқат, ўқувчи-ёшларнинг истевлодини сайқал топтиришда бундай газеталар ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Шу аснода болалар мустақил фикр юритишга одатланади, ўқиб-изланади. Афсуски, ҳозир камдан-кам ташки муассасаларида деворий газета тайёрлаш аънаъиси сақланиб қолган. Борлари ҳам асосан

йирик байрам саналарига бағишланади. Бироқ уларда ўқувчиларнинг ўз ижод намуналари: шеър, сурат ёки ҳикоялари кам. Кўпичча компьютер графикаси, тайёр суратлардан фойдаланиб безатилади.

Аслида мактаб деворий газетаси ёшларнинг кўл меҳнатига асосланиши керак. Тайёрланаётган материаллар ҳусусида

МАҚСАДЛАР БУЛСА БУЮК,  
КЕРАКАЛИ ТОШ БУЛМАС ЮК!



Шеър-тасвир муаллифи: Жаҳонгир МИРЗО

МУАССИС  
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ  
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар  
Абдуллаев Хуришд  
Ўқтамжонович  
Норбоев Жамолитдин  
Жуманазар ўғли  
Навбатчи  
Санжар Эшмуродов

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Буюртма Г. 636  
Алдаи — 21678  
Босишга топширилган вақти — 21.00  
Топширилди — 23.15  
ЎЗА яқуни — 22.40  
Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
Офсет усулида босилган.